*Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.*


# XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

2011 йил 22 март, сешанба
12 (384)-сон,
E-mail: axborotXXIasr@yahoo.com





ТАДБИРКОРЛИК, КИЧИК ВА ХУСУСИЙ БИЗНЕСГА КЕНГ ЭРКИНЛИК БЕРИШ МАЗКУР СОҲАНИНГ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

02 ТАДБИРКОРЛИК





ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ ИНСОН МАНФААТЛАРИ ВА ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЭҲТИЁЖЛАРИНИ ТЕЗКОР АНИҚЛАШНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ ҲАМДИР

03 СИЁСАТ






МАҲСУЛОТИНГИЗ ЛОТЛАРДА КЎРСАТИЛГАН СТАНДАРТЛАРГА ЖАВОБ БЕРСА ВА БОШҚА САВДО ИШТИРОКЧИЛАРИГА НИСБАТАН АРЗОНРОҚ НАРХНИ ТАКЛИФ ҚИЛА ОЛСАНГИЗ, БАС

06 UZEXдан янгилик


# ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

**АССАЛОМУ АЛАЙКУМ, АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!**
**МУҲТАРАМ МЕҲМОНЛАР!**
**ШУ КУНЛАРДА ОНА ЮРТИМИЗ — ЎЗБЕКИСТОНИМИЗ ЗАМИНИГА ГЎЗАЛ БАҲОР НАФАСИ БИЛАН БИРГА БАРЧАМИЗ ОРЗИҚИБ КУТГАН НАВРЎЗИ ОЛАМ КИРИБ КЕЛМОҚДА**

Табиат очилиб, шаҳар ва қишлоқларимиз яшил либосга бурканиб бораётган мана шу лаҳзаларда сиз, қадрли ватандошларимни, бутун халқимизни Наврўз байрами билан чин юракдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг самимий тилакларимни изҳор этишдан бахтиёрман.

Ҳурматли дўстлар!

Халқимиз ҳамиша шоду хуррамлик билан кутиб оладиган қутлуғ байрамлар ва саналар кўп. Лекин шу кунларда эл-юртимиз нишонлаётган Наврўзи олам биз учун энг қадимий, асл миллий, ҳар қандай сиёсатдан холи бўлган, узоқ ўтмиш замонлардан буён қадриятларимиз тимсоли бўлиб келаётган хосиятли бир айём, яшариш ва янгиланиш фаслидир.

Шарқона янги йил бўлмиш бу сана одамзот қалбида эзгу интилишларни уйғотиб, унга умид ва ишонч, шукроналик туйғуларини бағишлайдиган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, эркагу аёл, ёшу қари — барча юртдошларимизнинг энг ардоқли, катта хурсандчилик билан ўтказадиган севимли байрамидир.

Бу бетакрор айёмни ҳар бир хонадон, ҳар бир оилада, бағримизни кенг очиб, "Хуш келибсан ўлкамизга, Наврўзи олам, қадаминг қутлуғ бўлсин, юртимизга тинчлик-омонлик келтирсин!" деб қарши олиш азалий одатимизга айланиб қолган, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Ана шундай холисона, пок ниятлар билан заҳматкаш деҳқонларимиз офтоб нуридан тобора қизиб бораётган ерга уруғ қадаб, бепоён далаларимиздан мўл ҳосил ундириш мақсадида янги меҳнат мавсумини бошламоқда.

Бугун мана шу мунаввар дамларда ҳаммамизнинг тилагимиз: фидойи деҳқон ва фермерларимизнинг, барча меҳнаткашларимизнинг бахтини, омадини берсин, ишлари бароридан келсин.

Наврўз шукуҳи, кўклам шабодаси уфуриб турган шу дилбар фаслда инсон табиат билан янада яқинроқ ва уйғун бўлиб яшашга, ён-атрофидаги одамларга, оиласи, ёр-дўстларига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ ҳурмат ва эҳтиром, меҳр ва эътибор билдиришга эҳтиёж сезади, сумалак ва ҳалим, кўксомса каби тансиқ, ҳақиқатан ҳам миллий таомларимизни улар билан бирга баҳам кўришга интилади.

Маҳалла-кўй, эл-юрт билан аҳил бўлиб, кўмакка муҳтож бўлган инсонларга, ногирон ва беморларга беминнат ёрдам бериш, табаррук кексаларнинг дуосини олиш сингари азал-азалдан халқимизга мансуб бундай олижаноб фазилатларимиз айни шу кунларда ўзининг яққол тасдиғини топишини кузатиш мумкин.

Шуни айтиш керак — кимки халқимизнинг меҳрибонлиги ва бағрикенглигининг ёрқин ифодаси бўлмиш ана шундай ноёб одатларимизнинг намойишини кўрса, уларнинг чуқур инсоний маъносини англаса, ҳеч шубҳасиз, доимо ҳайратда қолиши муқаррар.

Наврўз руҳи, Наврўз фалсафаси билан ҳамоҳанг бўлган ўлмас шарқона қадриятларни неча асрлар давомида безавол асраб-авайлаб, сақлаб келаётган халқимизга ҳар қанча тасаннолар айтсак, арзийди, албатта.

Қадрли юртдошларим, азизларим!

Бугун Ўзбекистонимизнинг тараққиёт йўлида барқарор суръатлар билан ўсиб бораётгани, бизнинг асосий мақсадимиз бўлмиш янги жамият, янги ҳаёт қуриш, халқ фаровонлигини юксалтириш, ривожланган демократик давлатлар қаторидан муносиб жой олиш учун қатъий қадамлар қўяётганимизни халқаро жамоатчилик эътироф этаётгани ҳаммамизни қувонтиради ва янги кучқувват бағишлайди, албатта.

Аввало, халқимизнинг оғир ва машаққатли меҳнати, ўз кучимиз ва салоҳиятимизни оқилона ишлатиш ҳисобидан эришаётган юксак натижа ва марраларимиз ҳақида гапирганда, эътиборингизни икки масалага алоҳида жалб этишни зарур, деб билардим.

Биринчидан, бугун мана шундай хавфли-таҳликали, ўта нотинч бир даврда, жаҳон молиявий инқирози ҳали-бери давом этаётган пайтда эл-юртимиз нимаики натижаларни қўлга киритмасин, буларнинг барчаси юртимизда тобора мустаҳкам бўлиб бораётган тинчлик ва осудалик, миллатлар, динлар ва фуқаролараро тотувлик ва аҳиллик, бир-биримизга ҳурмат ва эҳтиром ҳисобидан, десак, ўйлайманки, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бундай ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган бойликни кўз қорачиғидек асрашимиз ва сезгир бўлишимизни замоннинг ўзи талаб этади.

Иккинчидан, биз ҳаётимизда эришаётган ютуқ ва марраларни халқаро ҳамжамият билан ҳамнафас бўлиб, узоқ ва яқин, аввало, қўшни давлатлар билан ҳамкорликда иш тутишимизнинг самараси сифатида кўрамиз ва бундай ҳамкорликни янада кучайтириш тарафдоримиз.

Наврўз руҳи барчамизни айни шундай орзу-ниятлар ва интилиш билан яшашга даъват этади.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шундай шодиёна кунда шу юксак минбардан туриб, бугунги тантанамизда биз билан бирга иштирок этаётган чет мамлакатларнинг муҳтарам элчилари ва халқаро ташкилотларнинг вакилларига, бизга хайрихоҳ бўлган барча дўсту биродарларимизга миннатдорлик билдириб, уларни Наврўзи олам билан самимий қутлашга рухсат бергайсиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Бугунги унутилмас, улуғ айёмда нуроний отахон ва онахонларимизни, мунис опа-сингилларимизни, навқирон ёшларимизни — ҳаётимизда тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган менинг фарзандларимни яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.

Азиз бошингиз омон, умрингиз узоқ, ризқу насибангиз зиёда бўлсин!

Ҳар бир хонадонга, бутун юртимизга тинчлик-омонлик, меҳр-оқибат, бахту саодат ёр бўлсин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!




## Наврўз туҳфаси

Пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Ўзбекистон рассомлари, санъатшунослари ва халқ усталарининг "Ijod" уюшмаси ҳамкорлигида рассом Содиқ Раҳмонов асарлари кўргазмаси ташкил этилди.

Кўргазманинг очилишида Президентимиз Ислом Каримов томонидан миллий маданиятимиз ва санъатимизни равнақ топтириш юзасидан амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ижод аҳлини, жумладан, мўйқалам соҳибларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг самарали меҳнати учун зарур шароит ва имконият яратиш, ижодини юртимиз ва хорижда кенг тарғиб этишда муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

Буни Содиқ Раҳмонов ижодида яққол кўриш мумкин. У тасвирий санъат сирларини дастлаб Тошкентдаги рассомлик билим юртида, сўнгра олий ўқув юртида давом эттирди.

Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Аҳмаровдан монументал рангтасвир сир-асрорини ўрганган ижодкорнинг асарлари бугун Буюк Британия, Германия, Франция, Россия каби давлатларда ҳам тасвирий санъат ихлосмандларининг шахсий тўпламларида сақланмоқда.

«Мулоқот» деб номланган мазкур кўргазмада рассомнинг буюк аждодларимиз, миллий анъана ва қадриятларимиз, бетакрор табиат манзаралари акс эттирилган асарлари томошабинлар эътиборига ҳавола қилинган.



# Барқарор тараққиёт кафолати

**МАНА, УЧ ОЙДИРКИ, ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН «МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ» ЎЗБЕКИСТОНДА ҚАРИЙБ 20 ЙИЛДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ, СИЁСИЙ-МАЪНАВИЙ СОҲАДАГИ ТУБ ИСЛОҲОТЛАРНИ ТАҲЛИЛ ЭТИШ БАРОБАРИДА ҲЕЧ ҚАЧОН ОРТГА ҚАЙТМАЙДИГАН ВА ИЗЧИЛ ТУС ОЛГАН МАМЛАКАТНИ ИСЛОҲ ЭТИШ ВА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ БИР НЕЧА ЎНЙИЛЛИКЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЯНГИ БОСҚИЧИНИ БОШЛАБ БЕРГАН УМУММИЛЛИЙ ДАСТУР СИФАТИДА ДУНЁНИНГ НУФУЗЛИ ЭКСПЕРТЛАРИ ТОМОНИДАН ҲАМ ЭЪТИРОФ ЭТИЛМОҚДА.**

**ҲАҚИҚАТАН ҲАМ ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛИ, ТЎПЛАНГАН ТАЖРИБАЛАР ЮРТБОШИМИЗ РАҲНАМОЛИГИДА ЎЗБЕКИСТОН ТАНЛАГАН ЙЎЛНИНГ НЕЧОҒЛИ ТЎҒРИ ЭКАНИНИ ВА АНА ШУ ЙЎЛНИ ОҒИШМАЙ ҚАТЪИЯТ БИЛАН ДАВОМ ЭТТИРИШ ЛОЗИМЛИГИНИ ЯҚҚОЛ КЎРСАТИБ БЕРДИ. КОНЦЕПЦИЯНИНГ ЭНГ МУҲИМ ЖИҲАТИ, УНДА ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ ЭНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ**

Ўтган йилларда барча соҳаларда бўлганидек, миллий парламентни шакллантириш ва ривожлантириш борасида ҳам салмоқли тажрибалар тўпланди. Мамлакатимизда парламентаризм анъаналарининг жамият ҳаётига сингдирилишидаги ўзига хослик шундаки, бу жараён тадрижий тарзда, халқаро тажриба ва миллий хусусиятларни эътиборга олган ҳолда амалга оширилди. Ушбу жараённинг бутун дунёда эътироф этилган «ўзбек модели»га таяниб, босқичма-босқич рўёбга чиқарилаётгани, жумладан, бир палатали парламент фаолияти асосида Ўзбекистон парламентининг асослари яратилиб, ўзига хос анъана ва тажриба шаклллантирилганини алоҳида эътироф этиш лозим. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизда қонунчилик мактабининг ривож топиши, қонун лойиҳаларини кенг муҳокамага қўйиш, амалдаги қонунларнинг янги таҳрирларини яратишда янада яққолроқ намоён бўлди.

Шу билан бирга 2000-2010 йиллар мобайнида мамлакатимизда икки палатали парламентни шакллантириш ва унинг фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича жуда кенг миқёсли ҳуқуқий ўзгаришлар ҳам амалга оширилди. Бунда, айниқса, профессионал асосда иш олиб борувчи Қонунчилик палатаси ҳамда вакиллик органи — Сенатнинг ташкил этилгани муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа бўлди.

**«XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетаси ташаббуси билан ташкил этилган навбатдаги давра суҳбатида эса Концепция асосида тайёрланган ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги қонуннинг мазмун-моҳияти яна бир бор атрофлича муҳокама қилинди.**

**Хўш, Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган ана шу қонуннинг туб моҳияти нимада? Ҳукумат ва парламент фаолиятини ташкил этишнинг янги тартибларини жорий этаётган ва улар зиммасидаги ваколатларни кенгайтираётган қонун сиёсий партиялар зиммасига қандай масъулиятли вазифаларни юкламоқда?**

**Давра суҳбатида асосий эътибор ана шу масалаларга қаратилди.**

3 ►►


БУГУНГИ СОНДА:

БУНЁДКОРЛИК, МЕҲР-МУРУВВАТ ВА ЭЗГУ ОРЗУЛАР АЙЁМИ 02►




ЙИГИРМА ЙИЛЛИК МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИНИНГ ҲАР БИР ЙИЛИ, ҲАР БИР ДОВОНИ ЗАЛВОРЛИ ЮТУҚЛАР, БЕТИМСОЛ ЎЗГАРИШЛАР БИЛАН ВАТАНИМИЗ ТАРИХИ ЗАРВАРАҚЛАРИГА БИТИЛМОҚДА. ТАРИХАН ҚИСҚА ДАВР ИЧИДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ, УРФ-ОДАТ ВА АНЪАНАЛАРИМИЗНИ, ХАЛҚИМИЗНИНГ АСРЛАР ДАВОМИДА ШАКЛЛАНГАН МЕНТАЛИТЕТИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА ЗАМОНАВИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ҚУРИШНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ ҚЎЙИЛДИ ВА МУСТАҲКАМЛАНДИ. ЙИГИРМА ЙИЛ ИЧИДА ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНАЁТГАН, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОИЙ ИНФРАТУЗИЛМАСИ ЮҚОРИ, БАНК-МОЛИЯ ТИЗИМИ БАРҚАРОР ЕТАКЧИ МАМЛАКАТЛАР САФИДАН ЖОЙ ОЛДИ.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ 2011 ЙИЛ 15 МАРТДАН БОШЛАБ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ,** статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

| | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | ↓ 1686,74 | 1 АҚШ доллари | ↑ 1674,20 | 1 Хитой юани | ↑ 254,82 | 1 Туркия лираси | ↑ 1057,47 | 1 Япония иенаси | ↓ 203,94 |
| 1 Англия фунт стерлинги | ↑ 2687,56 | 1 Миср фунти | ↓ 283,09 | 1 Малайзия ринггити | ↑ 551,08 | 1 Швейцария франки | ↑ 1801,16 | 1 Россия рубли | ↑ 58,47 |
| 1 Дания кронаси | ↑ 312,60 | 1 Исландия кронаси | ↑ 14,48 | 1 Польша злотийси | ↑ 578,88 | 1 ЕВРО | ↑ 2320,08 | 1 Украина гривнаси | ↑ 210,97 |
| 1 БАА дирҳами | ↑ 455,83 | 1 Канада доллари | ↑ 1719,58 | 1 СДР | ↑ 2624,19 | 1 Жанубий Корея вони | ↑ 14,79 | | |

# Бунёдкорлик, меҳр-мурувват ва эзгу орзулар айёми

***Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтган Наврўз байрами тантаналаридан репортаж***

**Ҳусниддин БЕРДИЕВ,**
ЎзА

Майин офтобнинг заррин нурлари қалбларга ажиб бир илиқлик олиб киради. Насим эпкини юзни силаб ўтади. Булар янгиланиш фасли — баҳордан дарак.

Яшилликка бурканган она табиат барчани ўз бағрига чорлайди. Ялпиз тераётган болакайлару чаккасига гул таққан қизлар кулгуси атрофга таралади. Мусаффо осмон бағрида чарх ураётган қалдирғочлар қўшиғи оламни тутади...

Юртимизга биз орзиқиб кутган, ҳаёт абадийлиги, табиатнинг устувор қудрати ва чексиз саховатининг бетакрор ифодаси, халқимизнинг тийнатию минг йиллик миллий қиёфасини ўзида мужассам этган Наврўзи олам кириб келди. Борлиқдаги уйғониш ва янгиланиш тимсоли бўлган Наврўз халқимизнинг неча минг йиллик тарихи, одамийлик, меҳр-оқибат, мурувват ва ҳиммат каби эзгу фазилатлари умрбоқий эканидан мужда беради.

21 март. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи байрамона безатилган.

Бу ерга ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, фан, маданият, санъат, спорт намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, муҳтарам отахону онахонлар, турли соҳаларда меҳнат қилаётган юртдошларимиз, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналарининг вакиллари ташриф буюрган.

Соат 10.30. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келади.

Байрам тантанасига ҳозир бўлганлар давлатимиз раҳбарини қарсаклар билан кутиб оладилар.

Чорлов мусиқаси янграйди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилади.

Давлатимиз раҳбари халқимизни Наврўз байрами билан муборакбод этади.

Муаззам майдон баҳорнинг, Наврўзи оламнинг фусункор тароватини ўзида мужассам этган. Мусиқа оғушида жонланаётган турфа гуллар, майин шабода, қушлар чуғур-чуғури ажиб бир уйғунлик билан қалбларга жо бўлади. Қуёшнинг заррин нурларида жилоланаётган камалакранг баҳор чечаклари, қир-адирлар манзараси барчага янгиланиш айёми шукуҳини бахшида этади.

Халқимиз бу йил Наврўзни алоҳида тайёргарлик ва кўтаринки руҳ билан кутиб олмоқда. Бу истиқлолининг йигирма йиллигини қаршилаётган озод юртимизнинг йигирманчи Наврўзидир. Президентимиз Ислом Каримов жасорати билан халқимизга қайтариб берилган, истиқлол туфайли қадр топган асл миллий байрам, бирдамлик шодиёнаси.

Йигирма йиллик мустақил тараққиёт йўлининг ҳар бир йили, ҳар бир довони залворли ютуқлар, бетимсол ўзгаришлар билан Ватанимиз тарихи зарварақларига битилмоқда. Тарихан қисқа давр ичида миллий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни, халқимизнинг асрлар давомида шаклланган менталитетини ҳисобга олган ҳолда замонавий демократик давлат қуришнинг мустаҳкам пойдевори қўйилди ва мустаҳкамланди. Йигирма йил ичида Ўзбекистон иқтисодиёти жадал ривожланаётган, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаси юқори, банк-молия тизими барқарор етакчи мамлакатлар сафидан жой олди.

Шундай фараҳбахш дамларда она табиатда рўй бераётган яшариш, янгиланишларни қалбидан ўтказаётган ҳамюртларимизнинг кўнглида шодлик, яна бир Наврўзга, гўзал ҳаётнинг бебаҳо неъматларига эсон-омон етганимиз, элу юртимиз тинчлиги ва фаровонлиги учун шукроналик туйғулари жўш уради.

Қалблардаги Наврўз завқи фусункор майдонга кўчади. Байрамни мадҳ этувчи саррин куй оғушида кўз ўнгимизда баҳорнинг ажиб манзаралари, она юртимизнинг бетимсол тароватн — олранг лолалар, ям-яшил қир-адирлар, гулларга бурканган водийлар, боғ-роғлар намоён бўлади.

Мафтункор саҳнада фольклор-этнографик жамоаларнинг ранг-баранг ашула ва рақслари бошланади. Шўх яллаларда, полвону чавандозлар чиқишида Наврўзнинг хилма-хил ва ноёб қирралари намойиш этилади...

Озод элнинг орзуси ҳам гўзал. Эзгулик ва яхшилик улуғланган Наврўз қадриятлари ҳаётимиздан мустаҳкам жой олган, энг яхши анъана ва одатларимиз Наврўз билан уйғунлашган.

...Наврўз чинакам баҳор байрами, инсон руҳини кўтарувчи, қувонч бағишловчи илиқ туйғулар, эзгуликлар айёмидир. Эртамизнинг эгалари бўлган болалар чиқишларида ҳам бу ўз ифодасини топади. Уларнинг майдон узра янграётган шўх-шодон кулгулари, мустақил юртнинг баркамол фарзандлари ижросидаги она Ватанни, кўкламни, бахтиёр болаликни мадҳ этувчи жарангдор куй-қўшиқлар, жозибадор рақслар барчага завқ-шавқ улашади. Наврўз, Ёшлик ва Баркамолликнинг нақадар уйғунлиги кўз ўнгингизда гавдаланади...

Баркамол авлодни тарбиялаш халқимизнинг энг эзгу қадриятларидан. Истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлатимиз ва жамиятимизнинг энг муҳим вазифаларидан этиб белгиланди. Ёшларга таълим-тарбия бериш жараёнида уларнинг интеллектуал салоҳиятини, маънавиятини юксалтириш, жисмонан чиниқтиришнинг самарали механизми шаклланди.

Ўтган 2010 йил — Баркамол авлод йилида бу борадаги ишлар янги босқичга кўтарилди. Фарзандларимизга жаҳон таълим стандартлари асосида билим бериш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида пойтахтимиз ва вилоятларда ўнлаб таълим муассасалари, замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган диагностика, скрининг ва перинатал марказлари, мусиқа ва санъат мактаблари барпо этилди.

Халқимиз Наврўзни яшариш ва навқиронлик палласига менгзайди. Бу нафақат табиатда, айни пайтда ҳаётимиз, тутумларимиз, турмуш тарзимизда ҳам ўз ифодасини топади. Қир-адирларда, яшилликка бурканган табиат қўйнида бошланган Наврўз сайиллари сочларига толбарг таққан қизлар айтишуви, бўз йигитларнинг спорт ўйинлари, онахонлар пиширган сумалагу ҳалим, ҳазилу аскиялар билан янада завқли, янада шукуҳли бўлади.

...Янграётган завқли мусиқа, ўйин-кулгу ва шўх рақслар бутун майдон узра акс-садо беради. Юраклар жунбушга келади. Фахр-ифтихор туйғуси, эзгулик, саховат тантанаси дилларни дилларга боғлайди.

Фарзандлар камолотида спортнинг ўрни беқиёс. Неча минг йиллик тарихга эга Наврўз тантаналарида спорт мусобақаларига алоҳида ўрин берилиши ҳам бунинг яққол тасдиғидир. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида спортни, хусусан, болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор юксак самаралар бераётир. Бугун жаҳон ареналарида ёш спортчиларимиз қўлга киритаётган ютуқлар халқаро миқёсда Ватанимиз обрўсини янада юксалтирмоқда, ўзбек фарзандларининг улкан салоҳиятини намойиш этмоқда.

Истиқлол йилларида юртимизда 1 минг 200 дан зиёд янги спорт иншооти барпо этилди ва уларнинг мингдан ортиғи қишлоқ жойларда қурилди. Бу фарзандларимиз спортнинг кўплаб турлари билан мунтазам шуғулланиши учун имконият яратди. Айниқса, қизларни спортга жалб этиш, улар ўзига мос спорт турлари билан шуғулланиши учун кенг шароит яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, бадиий гимнастикани ривожлантириш дастури қабул қилингач, спортнинг ушбу нафис тури билан шуғулланадиган қизлар сони 2010 йилнинг ўзида 6-7 баробар ортди.

Бу улкан ишлар самарасини спортчиларимиз қўлга киритаётган муваффақиятлар, медаллар шодасида ҳам яққол кўриш мумкин. 2010 йили Хитойда ўтказилган ёзги Осиё ўйинларида бадиий гимнастика бўйича қизларимиз иккинчи ўринни эгаллади. Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 11 олтин, 22 кумуш, 23 бронза, жами 56 медаль жамғариб, кучли саккизликдан жой олди. Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳрида ўзбек кураши бўйича ёшлар ўртасидаги VI жаҳон чемпионатида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзолари иккитадан олтин ва кумуш ҳамда саккизта бронза медални қўлга киритди. Пойтахтимизда футбол бўйича ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатида мамлакатимиз ўсмирлар терма жамоаси кумуш медаль ва жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритди.

Агар 2005 йилда юртимизда мутлақо соғлом болалар кўрсаткичи 52,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу рақам 62,6 фоизга етди. Сўнгги беш йилда мамлакатимизда спорт билан шуғулланадиган 10-14 ёшдаги болаларнинг бўйи ўртача 2,3, қизларнинг бўйи 2 сантиметр ўсган, вазни эса тегишли равишда 2,6 ва 2,9 килограмм ошган. Мана шу рақамларнинг ўзиёқ жисмоний тарбия ва спорт ҳаётимизга янада чуқур кириб бориши, болалар спортини ривожлантиришнинг беқиёс натижаларини кўрсатади.

..."Ҳар тунинг қадр ўлубон, ҳар кунинг бўлсин Наврўз". Мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг бу боқий сатрлари Наврўз ҳар бир инсон самимий, тоза ниятларини, туйғуларини юзага чиқарадиган, севинчлари, орзу-ниятларини, умидларини дўстлари, биродарлари билан баҳам кўрадиган қутлуғ кун эканини намоён этади. Бу жиҳатлар юртимиздаги барқарорлик, мамлакатимизда яшаётган турли миллат вакиллари ўртасида дўстлик ва тотувлик тобора мустаҳкамланаётгани, юртдошларимизнинг она табиатга меҳр-муҳаббати, маънавий қадриятларга садоқатида ҳам ўз инъикосини топмоқда.

Инсон шаъни ва қадр-қимматини ҳамма нарсадан устун қўйиш, кўмак ва мададга муҳтожларга беминнат ёрдам бериш, тинч-осойишта ҳаётни асраш ва мустаҳкамлаш йўлида ўзини аямасдан хизмат қилиш халқимизнинг энг буюк қадриятларидан. Давлатимиз раҳбари томонидан юритилаётган ана шу фазилатларга хос оқилона сиёсат бугун дунё жамоатчилиги томонидан кенг эътироф этилмоқда.

Ўтган йили Президентимиз Ислом Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари бўйича олий даражадаги ялпи мажлисидаги нутқида минтақамизда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, экологик муаммоларни бартараф этиш борасида илгари сурилган фикрлар кенг қўллаб-қувватланди. Саммит иштирокчилари Ўзбекистонда Мингйиллик декларациясида белгиланган мақсадларга эришиш йўлида амалга оширилаётган ишларга юксак баҳо берди.

— Ўзбекистонда ҳар бир байрамнинг ўзгача шукуҳи бор, — дейди байрам тантанасида иштирок этган Малайзиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Абдул Азиз. — Наврўз байрамининг ўзига хос қиёфаси мени мафтун қилди. Байрам тантанасидаги кўтаринки руҳ, одамлар юз-кўзидаги қувонч ва шодлик юртингиздаги тўкинлик, фаровонлик, тинч ва осуда ҳаётдан дарак бериб турибди.

...Халқимизда азалдан янги йилнинг серҳосил ва омадли бўлиши Наврўзнинг қандай келишига, уни қандай кутиб олишга боғлиқ, деб бежиз айтилмайди. Шу маънода жорий йил давлатимиз раҳбари томонидан «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилингани деҳқону фермерларимизга, ҳунарманду тадбиркорларимизга қанот бағишламоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугунги кунда жамиятимиздаги иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг муҳим омилига, юртимизни тараққиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирадиган кучга айланиб бормоқда. Мазкур соҳа вакиллари халқимиз фаровонлиги, дастурхонимиз тўкинлиги, иқтисодиётимизнинг жадал ривожланишига муносиб ҳисса қўшаётир.



**Деҳқон ва фермерлар, тадбиркорларимизга яратиб берилаётган кенг шарт-шароит туфайли бугун улар ўзлари етиштирган маҳсулотни қайта ишлаб, замон талаблари асосида истеъмолчиларга етказиб бермоқда. Юртимизнинг чекка қишлоқларида ҳам ўнлаб кичик корхоналар ишга туширилиб, рақобатбардош сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилаётир. "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури асосида жорий йилда бу борадаги ишлар кўлами янада кенгаймоқда. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бизнесни ривожлантириш учун янада қулай ишчан муҳит яратиш, тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесга кенг эркинлик бериш, мазкур соҳанинг экспорт салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Юртимизда 2010 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 8,5 фоизни ташкил этди. Жаҳон молия институтларининг хулосасига кўра, бу дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан биридир. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 52,5 фоизни ташкил этди.

Рўзғорида фаровонлик, оиласида тинчлик бўлсагина кишига байрамлар, тўй-тантаналар татийди. Мамлакатимизда аҳоли даромадларини муттасил ошириш ҳамда турмуш сифатини яхшилаш, бандлигини таъминлаш масаласи давлатимизнинг доимий эътиборида. Мазкур йўналишда ўтган йили амалга оширилган кенг кўламли чора-тадбирлар самарасида 950 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилди. Аҳолининг реал пул даромадлари 2009 йилга нисбатан 23,5 фоизга ўсди. Бугунги кунда ҳар юз оилага ўртача 132 телевизор, 99 холодильник, 18 тадан зиёд кондиционер, 12 шахсий компьютер, 27 тадан ортиқ енгил автомобиль тўғри келиши халқимиз юксак турмуш даражасининг амалдаги ифодасидир.

Деҳқон ва фермерлар, тадбиркорларимизга яратиб берилаётган кенг шарт-шароит туфайли бугун улар ўзлари етиштирган маҳсулотни қайта ишлаб, замон талаблари асосида истеъмолчиларга етказиб бермоқда. Юртимизнинг чекка қишлоқларида ҳам ўнлаб кичик корхоналар ишга туширилиб, рақобатбардош сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилаётир. "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури асосида жорий йилда бу борадаги ишлар кўлами янада кенгаймоқда. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бизнесни ривожлантириш учун янада қулай ишчан муҳит яратиш, тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесга кенг эркинлик бериш, мазкур соҳанинг экспорт салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мустақиллик туфайли юртдошларимизнинг онгу тафаккури ва дунёқараши ўзгарди. Бир пайтлар хусусий заводи ёки фермаси у ёқда турсин, кичкинагина дўкони бўлиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмаган кишилар бугун мулк эгалари, катта ер соҳиблари сифатида юрт тараққиёти, халқ фаровонлигига ҳисса қўшмоқда.

Фермерлик ҳаракати мамлакатимиз иқтисодиётининг тобора етакчи кучига айланаётир. Пахта хом ашёсини тайёрлашдан боши чиқмаган деҳқонларимиз бугун ғалла ва бошқа озиқ-овқат экинлари етиштириш борасида катта тажриба тўплади. Бир сўз билан айтганда, фермерлик ҳар бир деҳқонга ўз меҳнатининг самараларидан мустақил баҳраманд бўлиш, эл-юрт дастурхони тўкинлигини таъминлаш имкониятини бераётир.

— Байрамни томоша қилар эканман, мустақил юртимнинг йигирма йиллик ҳаёти кўз олдимга келди, — дейди Фарғона вилояти, Риштон туманидан ўқитувчи Мавлуда Усмонова. — Тарихан қисқа вақт ичида Президентимизнинг оқилона сиёсати туфайли юртимиз қандай ютуқларга эришганини мана шундай тантаналар шукуҳида, юртдошларимизнинг қувончида ҳам кўриб турибмиз. Ёшларимиз иқтидори, шижоатини кўриб, азиз Ватанимнинг келажаги порлоқ, эртаси ёруғ эканини яна бир бор қалбдан ҳис қилдим.

...Қўшиқлар қўшиқларга уланади. Саҳнада ижро этилаётган Наврўз удумлари, маросимлар, спорт ўйинларидан кўринишлар қизигандан-қизийди.

Ўзбекистон бугун жаҳонда ўз сўзига, ўз ривожланиш моделига эга. Ватанимизнинг тараққиёт йўли кўплаб мамлакатлар, нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан намуна сифатида эътироф этилаётир. 2010 йил май ойида Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгаши 43-йиллик мажлисининг Тошкентда ўтказилиши бунинг яна бир тасдиғи бўлди. Ушбу нуфузли анжуманда иштирок этган халқаро ташкилотлар ва хорижий делегациялар раҳбарлари жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ҳам Ўзбекистон иқтисодиёти барқарор ривожланаётганини алоҳида таъкидлади.

Юртимиздаги қулай иқтисодий муҳит хорижлик бизнес вакилларининг қизиқишини оширмоқда. Мамлакатимизда 2010 йилда 9,7 миллиард АҚШ долларига тенг миқдордаги инвестициялар ўзлаштирилди. Натижада 200 дан зиёд лойиҳа амалга оширилди, ўнлаб ишлаб чиқариш корхоналари ишга туширилди.

Биргина автомобиль ишлаб чиқариш саноатининг жадал ривожланаётгани мамлакатимиз юксак салоҳиятини намоён этади. Асака автомобиль заводидан чиқаётган замонавий енгил машиналарга бўлган талаб нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам изчил ошаётгани нуфузли ташкилотлар томонидан эътироф этилмоқда.

Ўтган Наврўздан бугунги айёмгача мамлакатимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Табиатга тирикликни, одамлар учун янги меҳнат палласини бошлаб берадиган бу қутлуғ байрамда пойдевори қўйилган улкан ишлар ўз самараларини бермоқда.

Юртимизнинг барча ҳудудларида, чекка-чекка қишлоқларда қад ростлаган намунавий лойиҳадаги кўркам уй-жойлар барчанинг ҳавасини тортмоқда. 2010 йили қишлоқ жойларда яшаш учун шаҳардагидан кам бўлмаган шарт-шароитга эга ана шундай 6,8 мингта уй-жой барпо этилди. Айни пайтда янгидан қурилаётган турар жой массивларида замонавий муҳандислик-коммуникация иншоотлари бунёд қилинмоқда. Кенг ва равон йўллар, табиий газ, ичимли сув тармоқлари, электр узатиш линиялари қишлоқларимиз қиёфаси ва шароитини янги босқичга олиб чиқаётир.

Бу йил юртимиз бўйлаб яна бир хайрли ташаббус қулоч ёзди. "Ватанимиз мустақиллигининг йигирма йиллигига йигирма туп кўчат — менинг туҳфам" шиори остида ҳар бир юртдошимиз пок ният, эзгу мақсад, эртанги кунга ишонч билан мевали ва манзарали дарахт кўчатларини ўтқазмоқда.

...Қалб торларини чертиб халқимизнинг бебаҳо маънавий хазинасидан жой олган мумтоз наволар янграйди. Жозибали куй-қўшиқлар, жилвакор рақслар баҳорни, Наврўзи оламни тараннум этади...

Истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий маънавиятимизни юксалтириш, халқимизнинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларини тиклаш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётир.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ҳар қайси жамиятнинг демократик нуқтаи назардан янгиланиши ва юксалиши шу жамиятнинг, шу давлатнинг тараққиёти маҳсулидир. Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисида Президентимиз томонидан илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да юртимиз тараққиёт йўлининг навбатдаги устувор йўналишлари белгилаб берилди. Халқаро миқёсда кенг эътироф этилаётган ушбу Концепция "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилини амалга ошириш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва демократлаштириш бўйича бошланган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш, олдимизга қўйган юксак тараққиёт марраларига эришишга хизмат қилади.

...Муаззам саҳнада эстрада хонандаларининг чиқишлари қалбларга сурур бахшида этади, юраклар жунбушга келади. Қўшиқларда Ватан, ёшлик ва муҳаббат мадҳ этилади.

Жаннатмонанд юрт тароватини, буюк халқнинг тийнати ва бунёдкорлик руҳини мужассам этган Наврўз янгиланиш фаслини, эзгу мақсадлар, орзу-умидлар, янги ва янада юксак марраларни бошлаб беради.

Юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида Наврўз тантаналари давом этмоқда.

# Барқарор тараққиёт кафолати

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

## Манфаатлар мувозанати



**Муҳаммаджон ТУРСУНОВ,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси:

— Ҳақиқатан ҳам қабул қилинган янги қонун Ўзбекистонда сиёсий тизимни модернизациялашнинг бутунлай янги босқичини бошлаб бермоқда. Айниқса, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш борасида амалга оширилган ислоҳотлар ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини ҳаётга изчил татбиқ этиш, улар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантиришга қаратилгани билан ниҳоятда муҳимдир. Бу қонуннинг қабул қилиниши эса мамлакатни ислоҳ қилиш ва демократлаштиришнинг янги босқичи бошланиши, парламентаризм ва кўппартиявийлик тизимини янада мустаҳкамлаш, давлат ҳокимияти субъектлари ўртасидаги ваколатларнинг мувозанатли тақсимланишида бутунлай янги сиёсий-ҳуқуқий майдонни шакллантиришга қаратилгани билан ҳам кўпчилик эътиборини тортмоқда. Бу айни пайтда ҳуқуқий-демократик давлат қуриш, либерал иқтисодиёт, кучли фуқаролик жамиятини қарор топтириш ва жадал ривожлантириш, жаҳоннинг энг ривожланган давлатлари қаторига киришдек стратегик мақсадга эришиш йўлидаги дадил қадам ҳамдир.

Ушбу қонун давлат ва жамиятни бошқаришнинг шундай бир яхлит тизимини вужудга келтирмоқдаки, бу билан ҳокимиятлар мустақиллиги ошиб, уларнинг ўзаро бирбирини тийиб туриш механизмлари такомиллаштирилаяпти.

Бундай мутаносиблик, энг аввало, давлат раҳбарининг баъзи ваколатларини парламентга ва ижроия ҳокимиятига ўтказилиши, энг асосийси, парламентнинг ижроия ҳокимияти устидан назорат ҳуқуқларининг янада кенгайтирилиши билан амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Хусусан, Конституциямизнинг 98-моддасига киритилаётган ўзгартишлар туфайли энди Бош вазир номзоди Қонунчилик палатасида энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия ёки тенг миқдорда энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган сиёсий партиялар томонидан таклиф этилади.

Бу, шубҳасиз, Қонунчилик палатасига бўлиб ўтадиган сайловларда энг кўп депутатлик ўринларини олиш учун сиёсий партиялардан етуклик даражаларини оширишни, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маиший ва маънавий эҳтиёжларини қондириш хусусида изчил ишлар олиб боришларини тақозо этади. Сайловчилар талабларини Бош вазир ҳисоботларини муҳокама қилиш чоғида кун тартибига қўйиш ҳам сиёсий партиялар ўртасида кучли рақобат муҳитини юзага келтиради. Пировардида мамлакатда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар тақдири учун парламент, энг асосийси эса сиёсий партиялар зиммасидаги масъулият янада ошади.

Ушбу ўзгартишлар O`zLiDeP дастурида белгиланган давлат ва жамият қурилишини демократлаштириш ҳамда либераллаштириш соҳасида қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларининг вазифа, ваколат ва ҳуқуқларини аниқ белгилаш, ҳар бирининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлашдаги муҳим вазифаларини рўёбга чиқаришда партия манфаатларига тўла мос келади.

## Ваколатдан — масъулиятга



**Фахриддин КОМИЛОВ,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси:

— «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги қонун туфайли парламентнинг ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини таъминлашдаги ўта муҳим ваколатларга эга бўлаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу парламентнинг Ўзбекистон тақдири ва келажаги учун масъулиятини янада оширади.

Ушбу муҳим ҳужжат давлат ҳокимиятининг уч субъекти: давлат бошлиғи — Президент, қонунчилик ва ижро ҳокимияти ўртасидаги ваколатларни мутаносиб тақсимлашни таъминлашнинг ҳуқуқий асоси бўлиб, уни Асосий қонунимизда белгилаб қўйилган бир қатор моддалар билан бирга 2008 йилдан амал қилаётган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун талабларининг тадрижий давоми, десак, тўғри бўлади.

Мазкур қонун O`zLiDeP учун кўпроқ имкониятлар яратиб бераётганини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки иқтисодиётни либераллаштириш ва ривожлантиришга, ўрта синф вакиллари манфаатини ҳимоялашга қаратилган қонунлар бу O`zLiDeP фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир.

Бош қомусимизга киритилаётган ўзгартишларга кўра, энди Ҳисоб палатаси раисини тайинлаш тўғрисидаги Президент фармонини тасдиқлаш Сенат ваколатига ўтказилмоқда. Зеро, Ҳисоб палатаси давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағларидан оқилона фойдаланишни молиявий назорат қилиш ҳуқуқига эга бўлган ягона институт бўлиб, парламент томонидан ана шу ташкилот раисини тайинлаш тўғрисидаги фармоннинг тасдиқланиши бюджет маблағларини доимий назорат қилиш имконияти кучайтирилади, уларнинг мақсадли ишлатилиши юзасидан мониторинг олиб бориш имкониятлари кенгаяди, деганидир.

Яна бир янгилик. Асосий қонунимизнинг 78-моддаси 15-бандида Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг биргаликдаги ваколатлари сифатида мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазир ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш тартиби жорий этилмоқда. Иқтисодий соҳада яратилган яхлит тизим — ижроия ҳокимиятининг иқтисодий ривожланиш дастурларининг ишлаб чиқилиши, бюджет устидан назорат ва бошқа имкониятлар ҳам O`zLiDeP учун ўрта манфаатини ҳар томонлама ҳимоя қилишга кенг имкониятлар яратади.

### КОНЦЕПЦИЯ ҒОЯЛАРИ АМАЛДА

**Қонунчилик палатасига бўлиб ўтадиган сайловларда энг кўп депутатлик ўринларини олиш учун сиёсий партиялардан етуклик даражаларини оширишни, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маиший ва маънавий эҳтиёжларини қондириш хусусида изчил ишлар олиб боришларини тақозо этади. Сайловчилар талабларини Бош вазир ҳисоботларини муҳокама қилиш чоғида кун тартибига қўйиш ҳам сиёсий партиялар ўртасида кучли рақобат муҳитини юзага келтиради. Пировардида мамлакатда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар тақдири учун парламент, энг асосийси эса сиёсий партиялар зиммасидаги масъулият янада ошади.**

## Электорат ва электорат манфаати



**Гулжан ХАЛМУРАТОВА,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси:

— Асосий қонунимизнинг 98-моддасига киритилаётган ўзгартиш боис Бош вазир лавозимига номзод кўрсатиш ва уни тасдиқлашнинг янада демократик принципларини ифодалайдиган янги тартиб ўрнатилаётгани сиёсий партияларнинг жамият ва давлат ҳаётидаги, энг аввало, сайлов жараёнларида марказда ва жойларда давлат ҳокимияти органларини шакллантириш борасидаги ролини сезиларли даражада кучайтиради.

Шу ўринда бир муҳим масалага эътибор қаратиш лозим. Яъни Концепцияда белгилаб берилган вазифалар ва илгари сурилган ғоялар жамият ва давлат ривожи, ҳар бир фуқаро ҳаёти ва турмушига ижобий таъсир кўрсатиши муқаррардир. Бу билан фуқароларнинг ўзлари тарафдор бўлган сиёсий партияларнинг роли оширилишидан манфаатдорлиги кескин ортади. Қонунчилик палатасида энг кўп ўринни эгаллаган партия ўз электорати ва сайловчилари манфаатидан келиб чиққан ҳолда уларнинг муаммолари ҳал этилишига эришиш учун барча имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Конституцияда сиёсий партиялар томонидан Бош вазирга ишончсизлик вотуми институтини қўллаш ҳуқуқи берилаётгани ҳам фуқароларнинг хоҳиш-иродасини ифодалашда айниқса мухолифатда бўлган сиёсий кучлар қўлидаги кучли восита бўлади.

Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш масалаларида O`zLiDePни мамлакатдаги ички сиёсий жараёнларнинг бевосита иштирокчиси бўлиш, ўз электорати манфаатларини қатъий ифодалаш, аҳолининг юксак сиёсий маданиятини шакллантиришда фаол қатнашишга даъват этади.

Янги сиёсий-ҳуқуқий майдонда O`zLiDePнинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси, маҳаллий ҳокимият вакиллик органларидаги депутатлик гуруҳларининг энг муҳим вазифаси — электоратни ташвишлантирувчи ижтимоий-иқтисодий масалаларни эътиборга олган ҳолда партиялараро мунозараларни профессионал ва асосли равишда ўтказишга эришишдан иборат. Бу билан мулкдорлар синфининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича дастурий вазифаларимизни амалга оширишнинг ишончли кафолатлари ҳам таъминланади.

O`zLiDeP аввалги иккита парламент сайловлари бўйича ижобий натижаларга эришиб, Сайловолди дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш борасида ўзига хос тажрибага ҳам эга бўлди. Агар илгари партиямизнинг Сайловолди дастури асосан парламентнинг қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолияти орқали амалга оширилишини таъминлашга хизмат қилган бўлса, эндиликда сайловда ғолиб чиққач, у ҳукуматнинг мамлакатимиз келажагига либерал-демократик ёндашувини эътиборга олувчи ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурига айланиши керак.

Демак, шундай дастур яратиш кераккки, у марказда ва жойлардаги ишларни қай даражада самарали олиб боришимизга тўла имконият берсин. Шу жиҳатдан партия фаоллари олдига электорат ва сайловчилар билан ишлашни яхшилаш, парламентдаги фаолиятимизда уларнинг фикрларини кенгроқ эътиборга олиш вазифаси қўйилмоқда. Бу эса амалда партия қурилиши тамойилларини янада кучайтириш зарурлигини англатади.

## Ҳуқуқ ва одил судлов — демократия асоси



**Зилола СОБИРОВА,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси:

— Дарҳақиқат, ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда ўзига хос демократик турмуш тарзини шакллантириш, Конституция ва қонунларимизда мустаҳкамланган умуминсоний тамойил ва қоидаларни ҳаётга татбиқ этиш, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва сиёсий фаоллигини ошириш, партиялараро рақобат муҳитини қарор топтириш, уларнинг жамият ва давлат ишларидаги иштирокини сезиларли даражада кучайтириш, бир сўз билан айтганда, давлат қурилиши ва бошқарув тизимини босқичма-босқич янгилаш ҳамда модернизация қилиш бўйича кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилди.

Ҳуқуқий тизим етуклиги кўрсаткичи ҳисобланадиган ҳуқуқий маданият демократик жамиятнинг асосини ташкил этади, албатта. Ҳуқуқий онг даражаси одамларнинг ундан хабардорлиги, қонунларни билишидангина иборат эмас. Биринчи навбатда, бу қонунларга риоя қилиш ва уларни бажаришга онгли равишда тайёргарлик, қонунга итоат қилиш, ҳуқуқ ва одил судловга ишончдир.

Ўзбекистон ўзининг ички ва ташқи сиёсати билан инсоннинг ҳуқуқ ва манфаатлари ижтимоий тараққиёт ва давлат қурилишининг энг муҳим устувор жиҳати эканини исботлаб берди. Демак, демократик қадриятлар ва принципларни, инсоннинг ҳуқуқлари, эркинлиги ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш фуқаролик жамиятининг асосий вазифаси ҳисобланади. Бошқача айтганда, Фуқаролик институтлари жамият аъзоларининг фаоллиги, сиёсий маданияти ва юксак маънавияти, ўз қадр-қимматини ҳис этиши, мустақил фикрлаши, келажакни ўз қўли билан қуриш истагини тарбиялашга кўмаклашиши керак.

Жамиятимизни янада демократлаштириш ва фуқаролик институтларини ривожлантириш аҳоли сиёсий фаоллигининг ўсиши, унинг мамлакат ҳаётида нечоғли фаол иштирок этиши билан узвий боғлиқдир. Бу жараённинг муҳим шарти эса жамиятда нодавлат, нотижорат ва жамоат ташкилотларининг ўрнини кескин кучайтиришдан иборат. «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» деган тамойилнинг амалдаги тасдиғи айни шу жиҳатда яққол намоён бўлади.

## Кучли партия — кучли кадрлар, дегани



**Мансур ЗОКИРОВ,**
O`zLiDeP Бухоро вилояти кенгаши раиси:

— Концепцияда илгари сурилган асосий қоидалар мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштиришга, эртанги ҳаётимиз фаровонлигини таъминлашга қаратилгани билан ниҳоятда долзарб эканини ҳатто хорижлик экспертлар ҳам алоҳида эътироф этмоқдалар. Айниқса, сиёсий тизимнинг конституциявий асосларини янада такомиллаштиришга қаратилган вазифалар, шубҳасиз, парламент фаолиятининг кескин ўзгаришини, яъни фракциялар, қўмиталар фаолияти билан бирга кадрлар тайёрлашни замон талабларига мослаштиришни тақозо этади.

Бош қомусимизга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар биринчи навбатда Бош вазир раҳбарлигидаги ҳукуматнинг парламент олдидаги масъулиятини кучайтириш баробарида фракциямиз ваколатларини янада ошириши билан муҳимдир. Зеро, бу жараён ижро ҳокимияти фаолиятини таҳлил этиш ва назорат қилиш учун барчамизга давлат миқёсида фикр юритиш, мамлакат ҳаётининг турли соҳаларидан хабардор бўлиш, реал вазиятни таҳлил этиш ва тўғри қарорлар қабул қилишга тайёр кадрлар захирасини шакллантириш масъулиятини юклайди.

Бу эса, ўз навбатида, O`zLiDePдан туман, шаҳар ва вилоятлар кесимидагина эмас, балки мамлакат миқёсида фикрлай оладиган, ижтимоий-иқтисодий дастурлар ижросини таъминлаш ва ана шу жараёнларда ташаббус кўрсатишга қодир кадрлар тайёрлашни талаб этмоқда.

Бошқача айтганда, партиямиз сафларини сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан маданияти юксак, интеллектуал салоҳияти юқори, халқ орасида обрў-эътибор қозонган, ташаббускор, бошқаларни ўз ортидан эргаштира оладиган, элим деб, юртим деб ёниб яшайдиганлар инсонлар ҳисобига кенгайтиришимиз лозим. Бунинг учун эса кадрлар тайёрлаш тизими — сиёсий таълим марказлари фаолиятини янада самарали ташкил этиш давр талабига айланади, деб ҳисоблайман.

## Парламент назорати янада кучайтирилади



**Тўлқин ТУРСУНОВ,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси:

— Конституцияга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларга кўра, ҳукумат фаолияти устидан парламент назорати олиб борилишида сиёсий партиялар ролининг кучайтирилиши давлат ҳокимияти бошқарувини демократлаштиришнинг муҳим мезони саналади.

Ҳақиқатан ҳам парламент назорати — бу Олий Мажлис томонидан қонунларнинг ижроси ва унга амал қилиниши, қабул қилинган ҳужжатларнинг ҳаётга самарали татбиқ этилиши, шунингдек, қонунчиликни мустаҳкамлаш борасидаги амалий фаолиятдир. У айни пайтда инсон манфаатлари ва жамиятнинг ҳуқуқий эҳтиёжларини тезкор аниқлашнинг муҳим воситаси ҳамдир.

Бугунги кунда мамлакатимизда ривожланган демократик давлатлар парламентлари фаолиятида кенг қўлланиладиган қонунлар ижроси юзасидан парламент назоратини олиб боришнинг бир қанча турлари амалда жорий этилган бўлиб, булар Қонунчилик палатаси томонидан амалга ошириладиган парламент назорати, қўмиталарнинг назорат-таҳлил фаолияти, депутатлик гуруҳлари ва бевосита депутатлар томонидан олиб бориладиган назорат турларидир. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида парламент сўрови, парламент эшитувини амалга ошириш каби назоратнинг янги шакллари ҳам изчил жорий этилмоқда.

Бундан ташқари, парламентда назоратнинг бутунлай янги тажрибаларидан унумли фойдаланилаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш мумкин. Агар дунёнинг қатор мамлакатларида мамлакат парламенти ҳукумат раҳбарини бир йилда бир маротаба эшитиши йўлга қўйилган бўлса, Ўзбекистонда Бош вазир ҳисоботини эҳтиёж туғилганида, ихтиёрий вақтда бирон-бир масалада эшитиш амалиёти жорий этилмоқда.

Албатта, парламент назоратидан мақсад қабул қилинган қонунларнинг самарадорлигига эришишдир. Бунда давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамкорлигидан фойдаланиш ҳам яхши самара бераётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Шу маънода Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан парламентга киритилган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги қонунда демократик жамиятни шакллантириш баробарида давлат бошқарувида сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш кўзда тутилгани парламент фаолиятини бутунлай янги босқичга кўтариш имконини беради.



**Миродил АБДУРАҲМОНОВ,**
«XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетаси бош муҳаррири:

***— Бугунги суҳбатимиз якунида шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Президентимиз томонидан яратилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» юртимизда истиқлолнинг илк йилларидан самарали амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг сифат жиҳатидан янги босқичини бошлаб берди. Кенг жамоатчилик, халқаро таҳлилчилар, нуфузли экспертлар томонидан эътироф этилаётган ва атрофлича ўрганилаётган мазкур тарихий ҳужжат мамлакатимизни жаҳоннинг ривожланган давлатлари қаторига олиб чиқишдаги навбатдаги муҳим қадамдир. Концепцияда давлат бошқарувини демократлаштириш — халқ эрки ва иродасини ифодалайдиган қонун чиқарувчи олий орган — парламентнинг жамиятимиздаги ролини ошириш тақозо этилаётганига алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас.***

***Хусусан, Конституциямизнинг 98-моддаси янги таҳрири ушбу йўналишда ҳам мамлакатимизда «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилининг амалда татбиқ этилиши ва давлат бошқарувидаги босқичма-босқичлик ҳуқуқий ислоҳотлар асоси эканидан далолатдир. Миллий парламентаризмни ривожлантириш борасида кўзда тутилган ўзгартишлар бу йўналишда ҳам юртимизда ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш тамойилига қатъий риоя қилинаётганининг ёрқин ифодаси бўлиб, давлат бошқарувини янада демократлаштириш жараёнларига ҳуқуқий асос бўлиши баробарида сиёсий партиялар, хусусан, O`zLiDePнинг ролини кучайтиради ва партия фаолияти самарадорлигини кескин оширишни тақозо этади. Демак, аҳоли манфаатларини бевосита сиёсий партиялар орқали қонунчилик даражасига кўтариш ва улар илгари сурган ғоя-мақсадларни нафақат парламент, балки ижроия ҳокимияти орқали ҳам амалга ошириш имкониятлари янада ошади.***

***Бундан қандай хулосалар чиқариш мумкин? Биринчидан, партия қурилиши соҳасидаги ишлар тубдан қайта кўриб чиқилиши, кучли кадрлар захираси яратиш масаласига асосий эътибор қаратилиши лозим. Бунда, айниқса, ёшлар, шижоатли, ташаббускор ва интеллектуал жиҳатдан бой кадрлар билан партия сафини кенгайтириш ниҳоятда муҳимдир. Парламент назоратининг барча шаклларидан фойдаланган ҳолда жойлардаги мавжуд муаммоларни таҳлил этиш, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиққан ҳолда ижтимоий-иқтисодий дастурларни яратиш, амалдагиларининг ижросини эса қатъий назоратга олиш керак. Шу ўринда нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорликни янгича қарашлар ва талаблар асосида ривожлантириш жойлардаги фаолларимизнинг бирламчи вазифасига айланиши керак. Маълумки, ҳар қандай ғоя кенг ва изчил тарғиботни талаб этади. Концепцияда белгилаб берилган талаблар эса партиянинг ОАВлари билан ҳамкорлигини бутунлай ўзгартиришини тақозо этмоқда.***

***Албатта, ҳар қандай режа-мақсад ўз-ўзидан амалга ошмайди. Бу, ўз навбатида, мазкур Концепцияда кўзда тутилган вазифаларни бажаришда қатъийлик ва изчилликни, фаол ва омилкор бўлишни, унинг мазмун-моҳиятини аҳолининг барча қатламлари, айниқса, O`zLiDeP электоратига етказишда барчамизнинг масъул эканимизни англатади.***

Газетанинг навбатдаги сони 31 март куни чиқади

XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
O`zLiDeP
TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Муҳаммадюсуф ТЕШАБОЕВ, Абдурашид ЖЎРАБОЕВ, Алишер ШАЙХОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Баҳодир ҒАНИЕВ, Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ, Илҳом НАСРИЕВ, Мухлиса АКРАМОВА, Равшан ОХУНОВ, Шухрат НОРГИТОВ, Шухрат ОРИПОВ, Эркин ТОШЕВ, Қиём НАЗАРОВ.
ТАҲРИРИЯТ: Озод РАЖАБОВ, Маркс ЮСУПОВ, Зумрад АБРОРОВА, Шаҳзод НАЗАРОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Асҳор ИСТАМОВ, Тоҳир МАЛИК, Темур АБДУРАҲМОНОВ, Тоҳир МИРҲОДИЕВ, Носир ТОШЕВ, Шухрат ОХУНЖОНОВ. БОШ МУҲАРРИР: Миродил АБДУРАҲМОНОВ.
МАТН ТЕРУВЧИ: Нигора ЖЎРАЕВА.
БЎЛИМЛАР: Котибият — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, Кабулхона: 215-63-80 (тел./факс).
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, «Нукус» кўчаси, 73А-уй. ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborotXXIasr@yahoo.com, XXI_ASR@yahoo.com, XXI_ASR@mail.ru
©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, «Навоий» кўчаси, 30-уй.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2007 йил 11 январда 009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.
Буюртма рақами: J 1377
Тираж: 19 054
Навбатчилар: Н.ТОШЕВ, С.ЗОИРОВ.

e-mail: axborotXXIasr@yahoo.com, XXI_asr@yahoo.com

# ФАРҒОНА НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ



Мустақил Ватанимизда баҳор нафаси уфураётган айни дамларда барчани Наврўз айёми билан самимий табриклайди. Азиз ҳамюртлар, байрам байрамларга улансин, барча эзгу ниятларингиз рўёбга чиқсин! Баҳор айёми қутлуғ келиб, мамлакатимизда тинчлик-хотиржамлик барқарор бўлсин! Сизларни баҳор кайфияти асло тарк этмасин!









# ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ

Олий ўқув юртларидаги ҳамкасбларини, профессор-ўқитувчиларини ва мамлакатимиз аҳлини баҳор байрами — Наврўз билан самимий табриклайди. Табиатнинг яшариш, янгиланиш ва уйғониш фасли ҳаммага муборак бўлсин! Ушбу шукуҳли кунларда халқимизнинг эзгу ниятлари амалга ошишига тилакдошмиз. Ҳар доим юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!



UZBEKCOMMODITY EXCHANGE

# Ўзбекистонда давлат харидларида тўғридан-тўғри иштирок этишнинг оддий формуласи:

## Ошкоралик +
## Рақобат =
## Ҳаққоний нарх

Барча маълумотлар қуйидаги порталда:

# goszakupki.uz

TURON BANK

## ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ «ТУРОНБАНК» ЖАМОАСИ

**Азиз ватандошларимиз ва юртимиз меҳмонларини қадимий баҳор байрами – Наврўзи олам билан муборакбод этади. Гўзаллик, меҳр-оқибат ва мурувват айёми билан чин дилдан қутлайди. Барчага тинчлик-омонлик, хотиржамлик ва хуш кайфият тилайди.**

**Наврўз Сизларга омад ва бахт келтирсин!**



## Ўзбекистон-Германия «Савдогар» очиқ акциядорлик-тижорат банки жамоаси



**Ўз акциядорлари, мижозлари ва мамлакатимиз аҳолисини Наврўз айёми билан самимий муборакбод этади. Баҳор байрамида барчага хуш кайфият, соғлик-саломатлик ва омад тилайди. Барчангизга тинчлик-хотиржамлик, бахту саодат ёр бўлсин!**

UZBEKCOMMODITY EXCHANGE

## ТАДБИРКОРЛАР ВА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**Жорий йилнинг 1 мартидан эътиборан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ 1475-сонли Қарорига мувофиқ**

# www.goszakupki.uz ва www.davlatxarid.uz

**Интернет манзилида мамлакатимизда олиб борилаётган давлат харидлари ва тендерлари тўғрисида ягона ахборот портали иш бошлади.**

Эндиликда истаган шахс республикамиз бюджет ташкилотлари томонидан кичик бизнес, хусусий тадбиркор ва фермер маҳсулотларини сотиб олиш учун бераётган буюртмалари ва улар бўйича шаклланаётган нархларни мутлақо бепул ва ошкора кузатиши мумкин.
Агар сизнинг маҳсулотингиз лотларда кўрсатилган стандартларга жавоб берса ва бошқа савдо иштирокчиларига нисбатан арзонроқ нархни таклиф қила олсангиз, ундан дарҳол реал вақт режимида фойдаланишингиз мумкин! Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасида давлат харидлари ва тендерлар тизимида қўлланилаётган янги инновацион технология ёрдамида олиб борилаётган тендерлар бўйича барча маълумот ва ҳужжатларни ўз офисингизда туриб олишингиз мумкин!

Ушбу тизимни татбиқ этишдан мақсад давлат бюджети маблағларидан самарали фойдаланиш, кичик бизнес субъектларига давлат харидларида қатнашиш учун кенг йўл очиб беришни таъминлашдир.

**ЎзРТХБнинг барча савдо майдончаларида брокер ва консультантлар хизмат кўрсатмоқдалар.
Кўп тармоқли телефон рақамлари: (99871) 113-33-00, 113-33-33.
Кеча-кундуз сизнинг хизматингизда тезкор мулоқот хизмати: 113-33-30.
Молия вазирлиги Ғазначилиги телефон рақами: 239-47-54.**






# «ШЎРТАННЕФТГАЗ»

## унитар шўъба корхонаси жамоаси

***Истиқлолнинг 20-баҳори***

***билан барча юртдошларимизни муборакбод этади.***

***Кўҳна Шарқнинг азалий байрами —***

# *Наврўз айёми*

***хонадонларимизга***

***қут-барака ва файз олиб келсин!***

*Баҳорий*
*кайфият,*
*қувонч ва*
*шодлик*
*сизларни ҳеч*
*қачон*
*тарк этмасин,*
*азиз юртдошлар!*



## Ҳурматли юртдошлар!
## «Асака» банк (ОАЖ)

ASAKA BANK

Сизларни Наврўз байрами билан табриклайди ва қуйидаги янги муддатли омонат турларини таклиф этади:
Миллий валютадаги омонат «Наврўз»
Сақланиш муддати — 1,5 йил.
Ҳисобланган фоизлар ҳар чоракда ёки омонат ёпилганда берилади.

Хорижий валютадаги омонат «Стимул-II» — еврода.
Сақланиш муддати — 1,5 йил.
Ҳисобланган фоизлар ҳар чоракда ёки омонат ёпилганда берилади.
Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида йўлга қўйиш мумкин.
Мурожаат учун: «Асака» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

| Филиаллар | Код | Телефон |
|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 |
| Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 |
| Юнусобод филиали | 371 | 225-16-46 |
| Сирғали филиали | 371 | 258-67-49 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13 |
| Андижон вилоят филиали | 374 | 224-40-96 |
| Асака филиали | 374 | 233-13-69 |
| Фарҳод филиали | 374 | 229-97-53 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 | 224-70-83 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-12-37 |
| Олтиариқ филиали | 373 | 432-10-11 |
| Қўқон филиали | 373 | 552-61-04 |
| Наманган вилоят филиали | 369 | 226-94-75 |
| Навоий вилоят филиали | 436 | 223-54-32 |
| Зарафшон филиали | 436 | 573-18-78 |
| Бухоро вилоят филиали | 365 | 223-71-94 |
| Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Самарқанд вилоят филиали | 366 | 231-08-86 |
| Афросиёб филиали | 366 | 234-17-96 |
| Қашқадарё вилоят филиали | 375 | 221-12-93 |
| Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 770-82-12 |
| Қорақалпоғистон филиали | 361 | 223-72-47 |
| Хоразм вилоят филиали | 362 | 226-97-78 |
| Сирдарё вилоят филиали | 367 | 225-44-03 |
| Жиззах вилоят филиали | 372 | 226-43-11 |

«Асака» банк (ОАЖ) сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.
Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.
Сизнинг омонатларингиз:
— солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
— маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
— эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
— миқдори чекланмаган!

Хизматлар лицензияланган!







## «ШЎРТАНГАЗКИМЁ»
## мажмуаси жамоаси

Мамлакатимиз аҳолисини
она-табиатга хос янгиланиш
ва яшариш рамзи —
Наврўзи олам билан
чин дилдан қутлайди.
Ушбу байрам ҳар бир
оилага тинчлик-тотувлик,
файзу барака ва тўкин-сочинлик
олиб келишини тилайди.
Мустақил юртимиз ободлигига
кўз тегмасин,
барчангизга омад ёр бўлсин!